



## ЖИНОЙ ЖАЗО СИФАТИДА ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ЖАЗОСИ ТУШУНЧАСИ, АҲАМИЯТИ ВА ЖИНОЙ ЖАЗО ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

Тангматов Жонибек Олимжонович

Судьялар олий мактаби

ТИНГЛОВЧИСИ

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8137675>

### ARTICLE INFO

Received: 05<sup>th</sup> July 202

Accepted: 11<sup>th</sup> July 2023

Online: 12<sup>th</sup> July 2023

### KEY WORDS

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада озодликдан маҳрум қилиш жазосининг тушунчаси моҳияти, жазо тизимида тутган ўрни, мақсади ўрганилган.*

*Шунингдек ушбу мақолада баъзи хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги жазо тизимида озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўрни, ҳамда содир этилган жиноят учун қўлланилиши, озодликдан маҳрум қилишнинг муддатлари ва шартлари таҳлил қилинган.*

### КИРИШ

Инсоният тарихида қадим замонлардан буён жазо тушунчаси мавжуд бўлиб, ундан жамиятда ўрнатилган тартиб қоидаларга амал қилинишини таъминловчи восита сифатида фойдаланиб келинган. Содир этилган қилмиш учун ўта оғир жазо турлари эраמידан аввалги IV-III мингйилликларда Бобил, Қадимги Миср ва Ҳиндистон давлатларида пайдо бўла бошлади. Масалан, Ману қонунларида биз дастлабки жазо тушунчасига тарифларни учратишимиз мумкин. Уларда келтирилишича, жазо инсониятни химоя қилади, кўриқлайди ва огоҳликка чақиради<sup>1</sup>. Тариф орқали тушунишимиз мумкинки, жазо тушунчаси қадимги даврдаёқ ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми бўлиб инсониятни турли хавфлардан химоя қилишга хизмат қилиб келган.

Жазо тушунчаси жиноят ҳуқуқи назариясида катта аҳамиятга эга. Жазо тушунчасига қўлаб хорижий ва ўзбек олимлар томонидан бир қанча таърифлар келтириб ўтилган. Хусусан, Н.А.Стручков жазога шундай тариф беради: “Жазо муайян жиноятни содир этган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган ва ҳар бир турдаги жазо учун қонунда белгиланган ҳуқуқий чеклашлардан иборат бўлган жиноятларнинг олдини олиш чорасидир<sup>2</sup>.”

<sup>1</sup> Законы Ману. М., 1960. С. 47.

<sup>2</sup> Стручков Н.А. О наказании, системе его видов и иных мерах уголовно-правового воздействия. В сб. Актуальные проблемы уголовного права. – М., 1988. – С.96.



М.Х.Рустамбоевнинг эса “Жазо – бу жиноят ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири ҳисобланиб, у жиноий жавобгарликни татбиқ этишнинг етакчи шаклидир”<sup>3</sup> – деб тариф бериб ўтади.

Демак, жиноий жазо фақат суд томонидан айбдор деб топилган, яъни содир этганлик учун жазо белгиланган ҳаракатларни амалга оширган шахслар учун қўлланилади.

М.Усмоналиев томонидан ҳам ўхшаш тариф бериб ўтилган бўлиб, унга кўра “жиноий жазо жиноят ҳуқуқининг энг муҳим институтларидан бўлиб, жиноят ҳуқуқи функциясини ҳаётга татбиқ этишнинг асосий воситаси ҳисобланади”<sup>4</sup>.

Жазо бу содир этилган ижтимоий ҳавфли қилмишнинг оқибати ҳисобланади. Жиноят кодексда келтириб ўтилган айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини амалга ошириш учун ҳам жазо тайинланиши лозим. Акс ҳолда жиноят учун етарли даражадаги жазо тайинланмаслиги жамиятда жиноятчиликни олдини олиш ва белгиланган тартиб қоидаларга шахсларда итоат ҳиссини шакллантиришни амалга оширишнинг имкони бўлмайди.

Жазо содир этилган жиноят учун таъсир чораси ҳисобланишидан ташқари маълум бир мақсадни кўзлаши ва муайян функцияларни амалга ошириши лозим. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 42-моддасида келтириб ўтилганидек, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Жазонинг функцияларига келадиган бўлсак, Д.А.Шестаковнинг фикрича, ижтимоий ҳавфли қилмиш учун белгиланадиган жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралар бугунги ва ўтмишдаги шароитда қуйидаги функцияларни амалга ошира олиши лозим:

- Жиноят содир этган шахсни қайта шунга ўхшаш ҳаракатларни амалга оширмаслиги учун тийиб туриш;
- Реституция (жабрланувчининг ҳолатини тиклаш);
- Жиноятчини ресоциализация қилиш<sup>5</sup>.

И.В.Шмаров эса жазонинг функциялари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтади:

- ижтимоий назорат функция;
- тарбиявий функция;
- огоҳлантириш функцияларни амалга оширади<sup>6</sup>.

Фикримизча, И.В.Шмаров томонидан келтириб ўтилган функциялар нисбатан кенгроқдир. Жазонинг ижтимоий назорат функцияси бу давлат ва жамиятнинг жиноят содир этган шахсга нисбатан акс муносабати ҳисобланиб, бунда жиноятнинг нафақат жабрланувчига, балки бутун жамиятга таъсири инobatга олинади ва шу асосда жиноятчига нисбатан таъсир чоралари қўлланилади. Давлат жазо қўллаш орқали

<sup>3</sup> Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм – Тошкент: Илм-зиё, 2006.- б. 265.

<sup>4</sup> Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. Б. 376.

<sup>5</sup> Шестаков Д.А. Теория преступности и основы отраслевой криминологии: Избранное. СПб., 2015. с.13.

<sup>6</sup> Шмаров И.В. Функции и задача уголовного наказания в борьбе с преступностью. – М., “К-Пресс”. 2016. С. 49.



ижтимоий ҳаётдаги муносабатларни адолат тамойиллари асосида тартибга солиб туради.

Жазонинг тарбия функциясини амалга ошириш учун тайинланган жазо турига, уни амалга ошириш усуллари ва жойи каби турли омиллар таъсир қилади. Шу орқали жиноят содир этган шахснинг делект ҳулқ-атвори ўзгартириб борилади. Жазонинг ушбу функцияси айни пайтда жамиятдаги бошқа шахсларга ҳам таъсир ўтказди. Масалан, суд томонидан чиқариладиган адолатли ҳукмлар шахсларда қонунларга ҳурмат ҳиссини уйғотиши ва ўз ҳаракатларига бўлган масъулият туйғусини шакллантиришга хизмат қилади.

**Демак, жазо – муайян мақсад ва вазифаларга эга бўлган, жиноят қонунчилигида ифодаланган, давлат томонидан суд ҳукми орқали айбдор шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораси ҳисобланади.**

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жазо турлари белгиланган бўлиб, улар: жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоларидир<sup>7</sup>.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноий жазолар маҳқумларга етказиладиган маҳқумлик хусусиятига қараб жазо қуйидаги турларга бўлинади:

1. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар (жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш);
2. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазолар (озодликдан маҳрум қилиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш)<sup>8</sup>.

Ўзбекистон Республикасида жиноий жазоларни либераллаштириш жараёнидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазо турлари қисқартилиб борилмоқда. Хусусан, қамоқ ва ўлим жазолари жиноят қонунчилигидан чиқариб ташланди. Бундан ташқари, мол-мулкни мусодара қилиш каби жазо тури бекор қилиниб, бошқа самаралироқ жазо турлари жиноят қонунчилигига киритилди.

Замонавий адабиётларда келтирилишича, жаҳондаги жиноий жазо тизимида иккита катта инқилобий ҳодиса рўй берди. Биринчи инқилоб турли мамлакатларда турли даврларда амалга оширилиб ХХ асрнинг бошларига бориб ўз ниҳоясига етди. Инқилоб натижасида қадимдан мавжуд бўлган шавқатсиз жазо турлари, маҳқумларни ўлдириш жараёнидаги қийноқлар ва бошқа ғайриинсоний жазолардан воз кечилди ва бундай жазолар ўрнига маҳқумларни ахлоқан тузатишга умид қилган ҳолда маълум муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тури кенг қўлланила бошланди.

Биринчи инқилоб тугаши билан маълум бўлиб қолдики, маҳқумларга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш орқали ҳам аслида жиноят содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, уларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадига эришиб

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 43-моддаси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2020 й., 03/20/613/0362-сон.

<sup>8</sup> Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент. Насаф. 2010. 424 бет.



бўлмайди, аксинча озодликдан маҳрум этиш муассасаларининг ўзи “жиноятчилар фабрикаси”га айланиб қолмоқда.

Иккинчи инқилоб эса ҳозиргача давом этиб келмоқда ва бу инқилобда давлатлар асосан жиноят қонунчилигига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларни киритиш орқали жазонинг асл мақсадига эришиш кўзланган<sup>9</sup>.

Шу сабабли мамлакатимизда ҳам ҳозирда шахсни озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни қисқартириш ва либераллаштириш амалга оширилмоқда.

Тадқиқ этилаётган озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни такомиллаштириш бўйича таклиф билдиришдан аввал ушбу жазо турининг тарихи ва ривожланиш жараёни ҳақида маълумотларга эга бўлишимиз лозим.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси қадимдан мамлакатимизда жазо тури сифатида қўлланилиб келинганлигига қарамасдан турли даврда турли номлар билан аталиб келинган. “Зиндонга ташлаш” атамаси ҳам озодликдан маҳрум қилишнинг бир кўриниши бўлиб, асосан хонликлар даврида маҳкумни махсус қурилган ер тўлаларида сақлаш ва уларни жамиятдан ажратиб қўйишни англатган.

Ушбу жазо тури нафақат Ўрта Осиё мамлакатларида балки Европа қитъасида ҳам қадимдан мавжуд бўлиб келганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Олимларнинг фикрича, дастлаб жамиятда молк-мулкни тортиб олиш, тан жазолари ва ўлим жазоси қўлланилган бўлиб сўнгра озодликдан маҳрум қилиш жазоси вужудга келган. Англия давлатида ушбу жазо тури биринчи марта 1115-йилда Винчестер шахрида, Россия давлатида эса бу жазо биринчи марта “Судебник” қонунлар тўпламида келтириб ўтилганлигини таъкидлашади<sup>10</sup>.

Озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо салбий ва ижобий ҳусусиятларга эга бўлиб, бу тўғрисида бир қанча олимлар ўз фикрларини билдириб ўтишган.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг салбий ва ижобий томонлари тўғрисида И.Я.Фойницкий ўз фикрларини келтириб ўтган ва озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ижобий томонларига у қуйидагиларни киритади.

**Биринчидан**, озодликдан маҳрум қилиш жазоси бошқа жазо турларидан фарқли равишда анча муддатни ўз ичига олади ва узоқ муддат жиноят содир этган шахсга нисбатан давомий таъсир ўтказиш имкониятини кенгайтиради. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси узоқ муддатни қамраб олиши туфайли маҳкум шахсларга таъсир этишнинг турли усулларини қўллаб кўриш мумкин.

**Иккинчидан**, озодликдан маҳрум қилиш жазоси маҳкумга моддий ва жисмоний таъсир ўтказишидан ташқари унинг психиологиясига ва дунё қарашига ҳам ўз таъсирини ўтказади.

<sup>9</sup> Городинец Ф.М. Основные тенденции развития наказания в виде лишения свободы / Ф.М.Городинец // Уголовно-исполнительное право. – СПб. 2017. С. 187.

<sup>10</sup> Городинец Ф.М. Основные тенденции развития наказания в виде лишения свободы / Ф.М.Городинец // Уголовно-исполнительное право. – СПб. 2017. С. 186.



**Учинчидан**, ушбу жазо тури шахсни озодлигидан маҳрум қилиш билан бирга уни мажбурий меҳнатга ҳам жалб этади ва бу орқали давлатга иқтисодий томондан наф олиб келади<sup>11</sup>.

И.Я.Фойницкий келтирган ушбу фикрларга қисман қўшилишимиз мумкин, чунки у таъкидлаб ўтганидек ҳақиқатан ҳам озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати ва уни ўташ шароитлари маҳқумга нисбатан турли таъсирлар ўтказиш ва ҳар бир маҳқум ҳулқ-атвориغا нисбатан индивидуал ёндашиш имконини беради. Маҳқум озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган муддат давомида жамиятдан ажратиб қўйилиши ва жазони белгиланган махсус озодликдан маҳрум этиш муассасалари ўташи маҳрумнинг жиноий ҳулқ-атворини ўзгартириш ва жазонинг асл мақсадини амалга оширишда турли чоралар қўллаш учун қулай имкон яратиб беради.

Лекин, И.Я.Фойницкий билдирганидек, жазони ишро этиш муассасаларидаги маҳқумларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳар доим ҳам давлатга иқтисодий фойда келтирмайди, чунки маҳқумларни сақлаш, уларни озиқ-овкат билан таъминлаш, қўриқлаш ва уларни ахлоқан тузатиш билан боғлиқ турли воситаларни қўллаш давлатга анча кўп маблағ сарфлашини таълаб этади. Бу харажатлар маҳқумлар келтирадиган иқтисодий нафдан анча юқорироқ бўлади.

И.Я.Фойницкий озодликдан маҳрум қилиш жазосининг салбий томонлари ҳақида ҳам ёзиб ўтган бўлиб, инсонни жамиятдан, оила аъзоларидан ажратиб қўйиш ва уни бир муассасада ҳам яшашга ҳам ишлашга мажбур қилиш маҳқумни ахлоқан тузатишга олиб келмаслигини билдирган. У ўз мақоласида озодликдан маҳрум қилиш жазоси жиноий жазо тизимида кенг қўлланилишини қоралаган.

Баъзи рус олимлари томонидан адабиётларда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тўғрисида турли хил ёндашувлар ва фикрлар келтириб ўтилган.

Масалан, С.И.Дементьевнинг фикрича, озодликдан маҳрум қилиш жазоси нафақат озодликдан маҳрум қилинган шахсни махсус муассасага муайян муддатга жойлаштиришни, балки озодликдан маҳрум қилинган шахсни фуқаролик ҳуқуқларидан ҳам маҳрум қилишни англатади<sup>12</sup>.

С.И.Никулиннинг таъкидлашича эса озодликдан маҳрум қилиш маҳқумни жамиятдан изоляция қилиш ва ҳулқини ўзгартиришдан иборат<sup>13</sup>.

Н.Д.Сергеевский фикрича, бу шундай жазо турики, унда жиноятчи махсус ташкил этилган жойлар – қамоқхоналарда сақланиб, ўрнатилган режим ва махсус ҳаёт тарзига эга бўладилар<sup>14</sup>.

Ушбу таърифлардан кўриниб турибдики, асосан совет даври олимлари озодликдан маҳрум қилиш жазоси борасида яқдил фикрга эга бўлмаганлар ва бу даврда озодликдан маҳрум қилиш тушунчасига нисбатан тор доирадаги фикрлар берилган.

<sup>11</sup> Фойницкий И. Я. Учение о наказании в связи с тюрьмоведением. СПб., 1889. С. 214 .

<sup>12</sup> Дементьев С.И. Лишение свободы. Уголовно-правовые и исправительно-трудовые аспекты. – Ростов-на-Дону, 1981. С. 81.

<sup>13</sup> Никулин С.И. Российское уголовное право.Общая часть. Под.ред. В.Н Кудрявцева и А.В. Наумова. –М: Спарк. 1997. С.297.

<sup>14</sup> Сергеевский Н.Д. Русское уголовное право. Часть общая. СПб. 2006. С.163.



Озодлик маҳрум қилиш тушунчасига ўзбек юридик адабиётларида ҳам турли фикрлар, тушунчалар берилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси юридик энциклопедиясида озодликдан маҳрум қилиш деганда, маҳкумни жамиятдан ажратиб, жазони ижро этиш колониясига ёки турмага жойлаштиришдан иборат жазо тури тушунилади деб таъриф берилган<sup>15</sup>.

Х.Очилов фикрича, озодликдан маҳрум қилиш деб – маҳкумни жамиятдан маълум муддатга ажратишга айтилади. Маҳкумни жамиятдан ажратиш: жазони ижро этиш колониясига юбориш; турмага жойлаштириш орқали амалга оширилади<sup>16</sup>.

М.Рустамбоевнинг келтиришича, озодликдан маҳрум қилиш маҳкумни жамиятдан ажратиб, жазони ижро этиш ёки колонияга жойлаштиришдан иборат. Бунда бошқа жазолардан фарқли равишда озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш орқали маҳкумнинг ҳуқуқларини чеклаш комплекс хусусиятга эга бўлиб, маҳкум руҳий ва жисмоний жиҳатдан жамиятдан, ўзи ўрганган муҳитдан изоляцияланиб, жазони қўллаш орқали белгиланган мақсадга эришиш учун маҳсус тартиб қўлланилади. Жиноят содир қилган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси улкан таъсир чораси ҳисобланиб, уни қўллаш қанчалик ижобий таъсир кўрсатса, нотўғри қўллаш ҳам шунчалик салбий бўлади. Буларнинг барчаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, айниқса, судларга озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашда катта масъулият юклайди<sup>17</sup>.

Э.Норбутаев эса, озодликдан маҳрум қилиш, энг оғир жазолардан бўлиб, ҳавфли жиноятлар учун айбдорни жамиятдан ажратилган шароитда унга мажбурий таъсир чоралари кўрсатиш зарур бўлганда қўлланилади. Озодликдан маҳрум қилиш асосий жазо сифатида жиноят квалификация қилинган модда санкциясида кўрсатилган муддат доирасида тайинланади<sup>18</sup>.

Олимларимиз томонидан берилган ушбу тарифлар асосан қонунчилигимизда келтирилган нормалар асосида шакллантирилган дейишимиз мумкин чунки улар томонидан берилган фикрлар деярли бир-бирини такрорлайди.

Усмоналиев томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазо моҳиятига нисбатан кенгроқ таъриф бериб ўтилганлигини ва моҳиятига криминолик жиҳатдан ёндашилганлигини кўришимиз мумкин. Унинг фикрларига кўра, озодликдан маҳрум қилинганлар узоқ муддат оила муҳитидан, меҳнат жамоасидан, умуман жамиятдан ажратилганлиги, уларнинг руҳий ҳолатига таъсир қилмай қолмайди. Жазони ўташ вақтида ўз мутахассислиги бўйича билими, касби ва бошқа яшаш учун даромад манбаи бўла оладиган ҳунарини эсдан чиқаради. Бундай ташқари улар доимий равишда назорат остида бўлганлиги боис, узоқ муддат мобайнида ана шундай шароитда сақланиши маҳкумнинг руҳий ҳолатига таъсир этмай қолмайди. Шунингдек,

<sup>15</sup> Ўзбекистон юридик энциклопедияси / нашр учун масъул Р.А. Мухиддинов ва бошқ.; масъул муҳаррир: Н. Тўйчиев. – Тошкент: Адолат, 2010. 344 бет.

<sup>16</sup> Очилов Х. Жиноят ҳуқуқи (умумий қисм): Саволлар ва жавоблар. Ўқув-услубий қўлланма / масъул муҳаррир: проф. Ф. Тахиров. – Тошкент: янги аср авлоди, 2009. 85 бет.

<sup>17</sup> Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига шарҳ. Умумий қисм. – Тошкент. Адолат. 2016. 426 бет.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент ИИВ Академияси. 2008. 83 бет.



озодликдан маҳрум этилган шахснинг жазосини ижро этиши давлатга катта миқдордаги маблағларни сарфлашни талаб этади<sup>19</sup>.

Хориж олимларидан Н.А.Стручков айтиб ўтган фикрларга кўра, маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилишдан бошқа жазони қўллаш мумкин эмас деган қатъий ҳулосага келинган тақдирдагина бу жазо тайинланади, жазонинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда маҳкумга озодликдан маҳрум қилиш орқалигина тарбиялаш мумкин деган қатъий фикрга келинсагина бу жазо тайинланади. Ашаддий жиноятчиларни жамиятдан ажратиш улар устидан қаттиқ назорат ўрнатишдан бошқа самарали таъсир чораси йўқ<sup>20</sup>.

Ю.А.Красиков эса озодликдан маҳрум қилиш – маҳкумни суд ҳукмида кўзда тутилган муддатда мажбурий тарзда жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган асосий жазо тури бўлиб, у бошқа жазолардан маҳкумни ҳуқуқий мақомида чеклашлар нисбатан кўпроқ бўлиши билан фарқланади. Озодликдан маҳрум қилинган маҳкумнинг ҳуқуқий мақоми, авваламбор, унинг жамиятдан ажратилганлиги ҳамда унга меҳнат фаолиятини танлаш, ўз вақтини тартибга солиш, моддий таъминлаш, қариндошлари ва бошқа шахслар билан мулоқотининг чекланиши ва бошқа талабларнинг белгиланиши билан изоҳланади<sup>21</sup>.

Демак, озодликдан маҳрум қилиш жазоси бошқа жазо турларидан ўзининг таъсирлилиги ва нисбатан каттиқлиги билан ажралиб туради, чунки озодликдан маҳрум қилиш шахснинг озодлигини чеклашдан ташқари унинг нормал ҳаёт тарзининг ўзгаришига ва фуқаролик ҳуқуқлари чекланишига олиб келади. Ушбу жазо тури шахснинг ҳаёт тарзини ўзгартириши билан бирга унинг психологиясига нисбатан ҳам катта таъсир ўтказади. Шу сабабли озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашда содир этилган қилмишнинг оғирлиги ва қилмишни содир этган шахснинг хусусиятлари чуқур таҳлил қилиниши лозим. Акс ҳолда жазо турини нотўғри қўллаш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорида ҳам озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашда судлар томонидан эътибор бериладиган масалалар ёритилган бўлиб, унга кўра озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда — ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилади. Судлар қисқа муддатга (бир йилгача) озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашда ишнинг барча ҳолатларидан, айбдорнинг шахсидан келиб чиқишлари ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ

<sup>19</sup> Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент. Насаф. 2010. 426 бет.

<sup>20</sup> Стручков Н.А. О наказании, системе его видов и инх мерах уголовно-правовго воздействия. В сб. Актуальные проблемы уголовного права. – М., 1988. – С.90.

<sup>21</sup> Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Под. Общ. Ред д.ю.н., Председателя Верховного Суда РФ В.М. Лебедева. – 4-е изд., прераб, и доп. – М.: Норма, 2005. С. 131.



бўлмаган жазо қўлланилиши имконияти йўқлиги сабабларини ҳукмда асослантиришлари лозим<sup>22</sup>.

Юқорида келтирилган фикрлар ва озодликдан маҳрум қилиш жазосига берилган тарифлар орқали ушбу жазо турини асосан маҳкумларни жамиятдан ажратиш ва давлат томонидан таъсир чораларини қўллашни англатувчи жазо тури сифатида тушунмоқдамиз. Фиркимизча ушбу жазо турини ва моҳиятини ҳозирги замон руҳига мослаштиришимиз лозим ва қуйидагича тарифлаш ўринлидир:

**Озодликдан маҳрум қилиш жазоси – фақатгина суд томонидан жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган, маҳкумнинг ҳулқ атворини ва онгида жиноят содир этишдан тийилиш ҳамда қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш учун жамиятдан вақтинчалик ажратиш, шахсни жамиятга қайта тайёрлашни англатувчи жазо туридир.**

Таъкидлаш жоизки, ушбу тариф ҳозирда мавжуд озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳар томонлама ҳам тўрғи келмайди, аммо ушбу жазо тури босқичма-босқич ислоҳ қилиш, маҳкумларни улар содир этган жиноят учун фақат жамиятдан ва фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилган ҳолда изоляциялаш эмас, балки уни жамиятга қайтиши учун қайта тайёрлаш лозим.

Бу ҳаракатлар уларни касбга ўқитиш, ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, айрим фуқаролик ҳуқуқларидан фойдаланишга йўл қўйиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Ҳозирда мамлакатимизда ҳам озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум қилинганларнинг ҳолатини энгиллаштириш ва айрим фуқаролик ҳуқуқларидан фойдаланишга рухсат берилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 4-сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунига асосан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумлар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловларида ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқи берилди<sup>23</sup>.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 28-августдаги ЎРҚ-558-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига асосан манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар пенсияни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиши мумкин.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралда қабул қилинган “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори // <https://lex.uz/>.

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон. // <https://lex.uz/>.



Манзил-колонияларда жазони ўтаётган озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга пенсия тайинлаш ва тўлаш манзил-колония жойлашган ердаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тегишли пенсия суммаларини маҳкумларнинг шахсий ҳисобварақларига ўтказиш йўли билан амалга оширилиши белгиланган норма киритилди<sup>24</sup>.

Ушбу ислоҳотлар мамлакатимизда жиноий жазоларни либераллаштириш ва жазонинг асосий мақсадларидан бири бўлмиш шахсни жиноий ҳулқ-атворини тузатиш ва келгусида жиноят содир этишини олдини олишга қаратилган.

## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017-йил 22-декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2018-йил 28-декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020-йил 24-январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020-йил 29-декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2010-йил 12-ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” маърузаси. Халқ сўзи, 2010-йил 13-ноябр.
6. Каримов. И.А. Адолат қонун устуворлигида // Ҳавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Тошкент: Ўзбекистон, 2002-й. – 336 Б.

## II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2021 й., 03/19/563/3685-сон. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
8. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси // Инсон ҳуқуқлари. Тошкент: Адолат, 1998-й. 80 б.
9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 03/20/613/0362-сон // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 03/20/613/0362-сон // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
11. Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 4-сентябрдаги ЎРҚ-563-сонли “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон. <https://lex.uz/.000000000000>

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 28 августдаги ЎРҚ-558-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.08.2019 й., 03/19/558/3662-сон. // <https://lex.uz/>.



12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006-йил 3-февралда қабул қилинган “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/>.
  13. Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 28-августдаги ЎРҚ-558-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.08.2019 й., 03/19/558/3662-сон.// [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
  14. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ижроия кодекси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2020 й., 03/19/586/4106-сон // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
  15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори.
  16. 10.Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007-йил 14-ноябрдаги 15-сонли «Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарори. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
  17. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги 21-сонли «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
  18. Франция Республикасининг Жиноят кодекси // [legislationline.org/](http://legislationline.org/).
  19. Германия Федератив Республикасининг Жиноят кодекси // [constitutions.ru/](http://constitutions.ru/).
  20. Уголовный кодекс Российской Федерации // [consultant.ru/](http://consultant.ru/).
  21. Хитой ҳалқ Республикасининг 1982-йил 4-декабрдаги Конституцияси // [legalns.com](http://legalns.com)
  22. Россия Федерациясининг “Суд ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни // [consultant.ru](http://consultant.ru)
- III. Дарслик ва ўқув қўлланмалар:**
23. М.Усмоналиев, П.Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент. Насаф. 2010 й. 468 Б.
  24. М.Усмоналиев Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005 й. 476 Б.
  25. Н.А.Стручков О наказании, системе его видов и иных мерах уголовно-правового воздействия. В сб. Актуальные проблемы уголовного права. – М., 1988 г. 496 С.
  26. М.Х.Рустамбоев Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм – Тошкент: Адолат, 2016 й. 565 Б.
  27. Д.А.Шестаков Теория преступности и основы отраслевой криминологии: Избранное. СПб., 2015 г. 313 С.
  28. Уголовное право зарубежных стран. Общая часть. Учебное пособие Под. Ред. И с пред. И.Д. Козочкина. – М.: Омега-Л. 2003 г. 400 С.
  29. И.Я.Фойницкий Учение о наказании в связи с тюремоведением. СПб., 1889. 414 С